

Назар Эшонкул

МАРСЕЛЬ ПРУСТЬ

«Завол топган вақт изидан» (В поисках утраченного времени – М., 1997.) эпопеяси худди Жойс билан бир қаторда туради, «Ғарб адабиётининг учта наҳанги» деб аталган Жойс, Кафка билан бир учликка мансуб ёзувчи Марсель Прустнинг етти китобдан иборат бирдан-бир романидир. Асар 1927 йилгача, адиб ўлиmidан сўнг ҳам яна беш йилгача нашр этилиб турди. Романнинг охириги қисми 1927 йилгина босилиб чиққан. Унинг бош қисмини ўқиганларнинг аксарияти энди дунёда йўқ эди. Узилишлар билан босилиб чиққан мазкур роман ўзининг мураккаблиги туфайли кўп вақтгача кенг омма орасида ўз баҳосини ололмади.

Бироқ санъатни чин кадрлайдиганлар романни юксак баҳоладилар. Асар ҳатто шўро адибларини ҳам лол қилганди. Горький уни «сўз сеҳргари» деб атаган. Луначарский «у адабиётга ипак пойандоз тўшади» деган. Пруст «Завол топган вақт изидан» романида ҳар қандай фикр инсон кечинмалари маҳсули, инсон тафаккури ана шу кечинмалар мужассами, ҳосиласи, тафаккурни билиш учун унинг ички кечинмаларини билиш зарур деган ғояни ўртага ташлайди. Тўғрироғи, Пруст Ғарб адабиётига хос бўлмаган тарзда инсон қалбини биринчи ўринга қўяди ва инсон қалбидаги ўзгаришлар унинг тафаккурини белгилайди, қалбдаги гўзаллик ҳақиқий гўзалликдир деган шарқона хулосани асарига сингдиради. Қалб инсон фаолиятининг ягона кўзгусидир. Шу сабабли Пруст ушбу асарида инсонни ўрганишда, таҳлил этишда ташқи фаолиятни, ташқи арбобликни мутлақо рад этади. Ташқи жиҳат ҳеч қачон инсон маънавий дунёсини тўла белгилай олмайди деб кўрсатади. Ушбу етти китобнинг ҳар бири ҳар хил ном билан аталса-да, «Завол топган вақт изидан» романининг қисмлари ҳисобланади. Чунки бош қаҳрамонлар бир хил, усул бир хил, бадиий тил бир хил. Романнинг бош қаҳрамони Марсель. Асарда вокелик фақат хотиралар, ҳис-туйғу, кечинмалар орқали бизга намоён бўлади. Пруст Марсель образига ўзининг исмини эмас, бутун бошли биографик лавҳаларни, туйғу ва кечинмаларини киритиб юборган. Тўғрироғи, роман Марсель Прустнинг шахсий кечинмалари стенограммалри, фотосуратларга ўхшайди. Шу сабабли мазкур кечинмаларда мауллиф кечинмалари яққол сезилади.

Роман қаҳрамони ҳам Марсель Пруст қаби севади ва тушунади. Унинг қалби романтикага мойил. Асар унинг хотиралари оқими билан ривожланиб боради. 30 варақлаб бир жумла, битта тасвир давом этаверади. Лекин бу 30 варақлик жумла узук-юлуқ эмас, ноаниқ ва маъносиз эмас; балки қаҳрамоннинг узлуксиз акс садо бераётган кўнгил майллари ва унда содир бўлаётган воқеалар, тафсилотлар, кечинмалар суратидир. Пруст сизни кўз олдингизда турган ташқи дунёдан узиб олиб, кўнгил деган беадад маъвога бошлаб киради ва етти томдан («По направлению к Свану», «У Германтов», «Содом и Гоморра», «Беглянка», «Пленница», «Под сенью девушек в цвету») иборат барча қисмларда сизни ана шу гўзал дунёда етаклаб юради. Бу маконда бизни қалб ва эҳтирослар тафти, туйғулар мавжи, ҳаяжон ва ҳис кутиб туради, бу ерда бош қаҳрамонлар тимсолида ўзингизни кўрасиз, асар асар худди сиз ҳақингизда, ўзингизнинг кўнглингиз ҳақида кетаётгандай туюлади. Мутолаа дегани шу. Биз ҳар бир нарсадан – ўзимизни ўраб турган борлиқдан тортиб бизга, ҳаётимизга дахлдор барча нарсадан ненидир излаймиз. Бу «не»дир асли ўзимиздан ўзга нарса эмас. Худди кўзгуга карагандай ўзга аксларда ўзимизни кўрамыз, таъсирланамиз, хулоса қиламыз. Бизни ўраб турган олам бизга кўзгудир. Қаршимизда турган одам бизга кўзгудир. Ёнимиздан оқиб ўтаётган издиҳом бизга кўзгудир. Ёнимизда юз бераётган воқеалар бизга кўзгудир. Биз ўқиётган китоблар бизга кўзгудир. Биз ўзгандан ва ўзгалардан ўзимизни излаймиз. Ташлаб кетаётганимиз ўзлигимиз. Бораётганимиз ҳам ўзлигимиз. Қочаётганимиз ҳам, талпинаётганимиз ҳам ўзлигимиз... Биз билан хайрлашувчи ҳам ўзлигимиз, кутиб турган ҳам ўзлигимиз. Ўқиганимиз ҳам, ўқитганимиз ҳам ўзлигимиз. Биз ўзимиздан қочиб, ўзимизга борамиз. Бизнинг ҳаётимиз, фикримиз ана шу ўзликлар орасида шаклланади. Шу сабабли

Прустни адабиётда «мен»ни таҳлил қилган улуғ адиб сифатида билишади. «Мен» бу инсон ўзлиги. Инсон ўзлиги унинг ичида. Эпопея ана шу ичкари ҳақида. Баъзида узун жумлалар одамни толиқтиради, аммо жумладаги оҳорлар кўнгилга завқ беради. Жумланинг узунлиги ҳам билинмай қолади, сизни ёқимли бир завқ қамраб олади. Йирик жумлалар бошқа адибларда ҳам учрайди. Масалан, Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарида 5 варақча етадиган жумалалар бор. Шунингдек, Фолькнер ва Гофманда ҳам шундай жумлалар мавжуд. Хўш, Прустнинг йирик жумла тузишдаги новаторлиги нимада?

Толстой йирик жумлани ташқи деталлар, натуралистик тасвирлар ҳисобига бойитади, кенгайтади. Бу Пруст услубига қараганда енгилроқ. Чунки ташқи детални ҳар хил тасвирлай олиш мумкин. Золяда ҳам худди шундай. Пруст эса улардан фарқ қилади: Пруст жумлаларни ички кечинмалар ҳисобига бойитади, кенгайтади. Бу оғир, чунки ички кечинмаларни ҳар хил тасвирда акс эттириб бўлмайди; кечинмалар ёзувчини ўзига бўйсундириб қўяди. Шунингдек, кечинмалар электр тезлигида ўзгариб, алмашиб, тараққий топиб, турғунлашиб, такрорланиб, сийқаланиб, яна ҳаракат қилиб туради. Буни йирик жумалаларда акс эттириш учун катта маҳорат керак. Пруст бу ишни қила олди. Унинг жумлалардаги маҳорати ана шунда. Жумла бойлиги тил ўзгариши, тилнинг бойиши, тил қамровининг кенгайиши дегани. Аслида, кечинмалар, яъни инсон ботинидаги ҳолатлар, туйғу ва фикрлар ҳеч қандай нуқта, вергул, сўроқ, хитоб, чегара деган нарсаларни билмайди. У изма-из, изчил бўлмаган ҳолда ўзгариб туради ва ҳеч қандай чегарага сиғмайди. Нуқта ва вергуллар фикрнинг маҳсули. Одам бир дақиқанинг ўзида уч-тўрт хил нарса ҳақида фикрлаб туриши мумкин. Прустнинг йирик жумлалари ана шу хилма-хил ҳолатларни бутунисича қамраб олишга интилади, асардаги ҳолатлар насрдан кўра назмга мойилроқ. Қаҳрамонлар ҳолати ҳам назмга хос. Умуман, ёзувчиларнинг асосий мақсади ҳам қаҳрамон қалбида юз берадиган диалектик ҳолатларнинг барча қиррасини – ҳамма томонини қандай юз берса, шундай тасвирлашга интилишдан иборат. Бунинг учун улар ички нутқ, ички монологдан кенг фойдаланишади. Тўғри, Пруст усулида ташқи деталлар ҳам баъзида қаҳрамоннинг қайсидир психологик ҳолатини акс эттириш учун ишлатилади, кенг қўлланилади. Аммо мазкур деталлар ички монологга ўтиш ва қайтиш учун бир восита бўлиб хизмат қилади. Бироқ бундай эпизодлар оз. Прустга бу усул хос эмас. Бу француз адабиёти анъанаси таъсиридир. Пруст ҳаммаша мазкур анъанадан илҳомланиб, таъсирланиб келади. «Завол топган вақт изидан» романида сюжетнинг ўзи йўқ, тўғрироғи, биз кўникиб қолган одатдаги сюжет йўқ. Романда Марселнинг қарама-қарши ички кечинмалари, ҳиссиётлари, туйғулар, таассуротлари, хотиралари бор. Шу сабабли асарни ҳикоя қилиб бериш жуда оғир. У ҳақида фикрлаш ҳам оғир. Прустнинг асари кўзларингизни юмиб ётганда эшитилаётган майин шивирларга, ёмғирнинг майдалаб ёғётгандаги шитирлашига ўхшайди ва шундай кайфият уйғотади.

Марсель Пруст романида анъанавий адабиётга ҳурмат ва эҳтиром билан қараган ҳолда унинг жанр хусусиятлари, тили, тасвир имкониятларини бузади; жанр хусусиятларини ёриб чиқади; тилни фақат тасвир услубига эмас, жозобага, ҳиссиётга, психологик кечинмаларнинг кўзгусига айлантиради. Умуман, жанр деган тушунча нисбий. Ёзувчи қайси шаклда фикрини айта олса, ўша жанрдир. Пруст – худди шахтёрга ўхшайди. Фарқи шуки, шахтёр ер остини тобора чуқурроқ кавлаб боради; Пруст эса инсон қалбини ўз асбоблари – психоаналитик услуб билан – чуқурроқ кавлайди. Пруст инсон қалбида битта шахтёр вазифасини ўтамайди. Бир неча шахтёр сифатида иш кўриб, инсон тафаккурининг қоронғу бурчакларидаги «ашё»ларни қазиб олади. «Завол топган вақт изидан» романи – агар етти китобдан иборат фақат кечинмалар ва ҳислар, кайфият, майлларга қурилган асарни роман дейиш мумкин бўлса, жаҳон адабиётини яна бир поғона юқори кўтарди; унинг тасвир имкониятларини кенгайтди. Пруст адабиётни инсон ҳаёти ва фаолияти инъикоси деган қарашни адабиёт инсон майлларини, кечинмаларини ўрганувчи фан ва бу фан инсон ҳақида тўғри хулосалар бера олади деган тушунча билан бойитди. Унинг асарларида руҳшунослик фани адабиёт билан жозибали тарзда уйғунлашиб кетди. Шу сабабли чет элда Прустни фақат ёзувчимас,

психологик олим сифатида ҳам ўрганишади.

Пруст жуда катта мактаб яратди: унинг психоаналитик услубини Жойс давом эттирди: сўз фусункорлигини, фикр поэзиясини, сўзнинг жарангига қурилган оҳангни Антуан де Сент Экзюпери ривожлантирди. «Завол топган вақт изидан» асари жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири бўлиб қолди.